

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Акромов Хусан Фуркатович,
PhD докторант - Ўзбекистон Миллий университети
e-mail: x.akramov@mail.ru

ИЖТИМОЙ АЛОҚАЛАР СОЦИАЛ КАПИТАЛНИНГ МУҲИМ
КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-5-3>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ижтимоий алоқалар социал институтларнинг коммуникациясини таъминлаши ҳақидаги тавсиф келтирилган. Ижтимоий алоқалар ижтимоий тараққиёт учун хизмат қилувчи восита эканлиги тушунтирилган. Мулоқот тушунчасига таъриф берилган ва социологик жиҳатдан тавсифланган. Мулоқот функцияси коммуникацияни ташкиллаштирувчи восита эканлиги кўрсатиб ўтилган. Мулоқот инсонни намоён қилувчи омил эканлиги тавсифланган. Социал капитални алоқа орқали ташкил этишни аниқлашга қаратилган ёндашувлар берилган.

Калитсўзлар: ижтимоий алоқалар, коммуникация, ижтимоий тараққиёт, компонент, мулоқот, динамика, чизиқли тизим, атрибут, парадигма, социал капитал, ришта, кўприк.

Акромов Хусан Фуркатович,
PhD докторант - Национальный университет Узбекистана
e-mail: x.akramov@mail.ru

СОЦИАЛЬНЫЕ ОТНОШЕНИЯ КАК ВАЖНЫЙ КОМПОНЕНТ
СОЦИАЛЬНОГО КАПИТАЛА

АННОТАЦИЯ

В статье приведено описание социальных связей обеспечивающие коммуникацией социальные институты. Объяснены социологические стороны социальной связи, которые служат средством социального развития. Описано понятие общение и охарактеризованы его социологические стороны. Показаны функции общения как организационные средства коммуникации. Общение описано как фактор самовыражения. Даны подходы, которые определяют социальный капитал через организованные призмы связи.

Ключевые слова: социальные связи, коммуникация, социальное развитие, компонент, общение, динамика, линейная система, атрибут, парадигма, социальный капитал, узлы, мост.

Akramov Husan Furkatovich,

PhD doctoral student - National University of Uzbekistan

e-mail: x.akramov@mail.ru

SOCIAL RELATIONS AS AN IMPORTANT COMPONENT OF SOCIAL CAPITAL

ANNOTATION

The article describes the social relations that provide communication of social institutions. The sociological aspects of social connection, which serve as a means of social development, are explained. The concept of communication is described and its sociological aspects are characterized. The functions of communication as organizational means of communication are shown. Communication as a factor of self-expression is described. The approaches that define social capital through the organized prism of communication are given.

Key words: social relations, communication, social development, component, communication, dynamics, linear system, attribute, paradigm, social capital, ties, bridge.

Forcitation: Akramov Khusan. Social relations as an important component of social capital. International Journal of Social Studies. 2019, vol. 1, issue 5, pp.17-21

Ижтимоий алоқалар турли хил жамият структуралари ва социал институтлар ўртасида коммуникацияни таъминлайди деб, тўла асос билан ҳисоблайди О.И.Карпухин. Унинг фикрича, ижтимоий алоқалар бутун социал организм ичига сингиб кетган. Тадқиқотчи ижтимоий алоқалар институтини ижтимоий тараққиёт учун хизмат қилувчи жамият ва ҳокимият, жамият ва бизнес, жамият ва маданият ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи жараён сифатида ва ҳамда восита сифатида белгилайди. Ижтимоий алоқалар - бу "инсон - сиёсат", "инсон - иқтисодиёт", "инсон - маданият" координаталар тизимидаги мувозанатни таъминлаш учун сиёсат, иқтисод, маданият соҳаларидаги муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва тартиблаш мақсадидаги маълумот ва қадриятлар алмашинуви жараёнидир. О.И.Карпухин қуйидаги хулосага келади, ижтимоий алоқалар - бу оммани ижтимоий назорат қилиш учун зарур бўлган, социал институт ва функционал структуралар ҳаёт фаолияти учун керак бўлган маълумот ва қадриятлар алмашинуви жараёнидир [1, - С. 123].

Дарҳақиқат, жамиятнинг муҳим компоненти сифатида ижтимоий алоқалар жамият структуралари ва институтлари ўртасидаги кўприк вазифасини бажариши ҳеч кимга сир эмас. Ижтимоий алоқалар жамият координата тизимида институтчионал асосга эга мувозанатни таъминлаши ҳамда жамият структураларида муносабатни тартиблаш орқали маълумот ва қадриятлар алмашинуви жараёнида содир бўлиши социал капитал шаклланишини ҳосил қилади.

Инсонлар ҳамма жойда, барча соҳа фаолиятларида ва истаган вақтларида бир-бирлари билан бирлашиб ҳаракат қиладилар. Маълумотларнинг мазмуни белгилар тизими орқали ўрнатилади ва коммуникация жараёни манбаа тарқатувчидан то қабул қилиб олувчигачан чизиқчи тавсифга эга бўлади. Биз ушбу жараённи қайта алоқанинг мавжудлигида мулоқот сифатида белгилашимиз мумкин. Мулоқот - бу турли хил объектлар: алоҳида шахслар ўртасида, шахслар ва гуруҳлар, шахс ва жамият ўртасида пайдо бўладиган ўзаро ҳаракат ва ўзаро муносабатлар деб ҳисоблайди О.В.Лунева. Мулоқотнинг социологик жиҳати жамият структурасининг ички динамикасини ва унинг мулоқот жараёни билан алоқасини ўрганишни кўзлайди. Ҳар қандай мулоқот унинг фикрича, агар мазкур мулоқотларда жамоатчилик аҳамиятига эга бўлган

инсонлар ўртасидаги актуаллашган муносабатлар шахсий ёки социал йўналтирилган бўлганида социологик даражада акс этади [1, - С. 124].

Ижтимоий алоқалар коммуникация тизимида чиқиқли тавсифга эга бўлиб, унинг асосини мулоқот ташкил этади. Мулоқот коммуникациянинг чиқиқли тизимидаги барча иштирокчилар билан ўрнатиладиган муносабатлар асосини ташкил этади. Ушбу асосга таяниб инсон шахсий ёки социал йўналтирилган муносабат шаклидаги социал капитални кўпайтиради. Мулоқот ижтимоий алоқалар структурасининг элементи сифатида социал капитални кўпайтиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мулоқот, муҳим социал ўзаро ҳаракат шакли сифатида нафақат маълумотларни етказиш, балки уларни олиш, жойлашувига кўра адекват маъно кодини очиш ва ўзлаштиришдир. Мулоқот функциясининг энг асосийси сифатида, субъектлар ўртасидаги коммуникацияни биргаликдаги фаолиятини ташкиллаштирувчи мақсадга эғалигини ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мулоқот турли хил мақсадли йўналишларга эга бўлган ҳолда, шахсларни бирлаштириш омили сифатида ажралиб туради. Алоҳида идивидуум учун мулоқот, жамиятдаги ўзини намоён қилиш омили, турли хил аудиторияларга таъбир қилиш инструменти ҳамда манипулятив йўналишга эга бўлиши ҳам мумкин [1, - С.124]. Мулоқот ижтимоий алоқаларнинг муҳим атрибуги сифатида ўзини намоён этади. Социологиянинг муҳим объекти сифатида шаклланган ўзаро ҳаракатнинг шакли кўринишида мулоқот шахслар ўртасидаги боғловчи фаолият сифатида инсонларни бирлаштирувчи тавсифга эга. Ҳамда инсонларни жамиятда ўзини намоён қилишнинг асосий парадигмаси эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Социал капитал мавзуси доирасида изланиш олиб бораётган барча тадқиқотчилар социал капитал тузулишининг асосий элементи сифатида ижтимоий алоқаларни муҳимлигини таъкидлаб ўтишади. Ушбу ёндашувлар қуйидаги жадвалда намунали қилиб номоён қилинган:

Жадвал.№1 - социалкапитални алоқа орқали ташкил этишни аниқлашга қаратилган ёндашувлар [2, с. 105]

Муаллиф	Социал капиталга таъриф
Р.Пагэм	– бу индивидуумлар орасидаги алоқалар – ижтимоий алоқалар ва икки тарафлама меъёрлар, уларнинг қайсидир биридан (алоқалар) юзага келади
С.Бюссе	«Мен социал капитал таърифини ижтимоий алоқалар сифатида ишлатаман. Социал капитални ўлчаш учун алоқалар қудратини ҳамда индивидларнинг ушбу алоқаларнинг ўзаро ҳаракатига киритилган сифатли хилма-хилликини ҳисобга олиш зарур»
В.Радаев	Социал капитал тузулмавий жиҳатдан алоқалар боғлиқлигининг мажмуаси сифатида ўзини намоён этади, институционал жиҳатдан эса, йиғилган инсончи ўзида мужассамлаштирилади ва тегишли равишда йиғилган мажбуриятлар сони асосида ўлчанади
Л.Политшук	– бу жамият ёки ҳамжамиятнинг ишончга таянувчи, жамиятда бўлинадиган меъёр ва қадриятлар ҳамда турли хил ижтимоий алоқаларнинг ўзини ўзи ташкил этиши ва биргаликда ҳаракат қилиш қобилиятидир
Дж.Ковлен	– бу ўзаро ишонч шаклланиши туфайли индивидлар ҳаракатини енгиллаштирувчи ижтимоий муносабатларнинг ресурслари, уларнинг тармоқлари, ўзаро мажбурият ва қутималар аниқлавиши, ижтимоий меъёрларнинг ўрнатилиши ва шакллантирилиши, ассоциацияларни ҳосил қилинишидир
Н.Лин	– бу ижтимоий алоқаларда жойлашган ресурслар бўлиб, фокал акторлар билан бевоёна ёки билвосита алоқага эга акторларга тааллуқли бўлган қадринадиган ресурслар (бойлик, ҳокимият, авторитет) ҳажми билан белгиланади
Берт	– алоқалардаги воситачилик имкониятлари
У.Бейкер	– бу ресурслар бўлиб, акторлар учун махсус ижтимоий структуралар (алоқалар)дан олинади ва уларни ўз манфаатлари йўлида қўллайдилар
А.Портес	– бу индивидларнинг кенгрок ижтимоий структураларда ёки маълум бир ижтимоий тармоқлардаги аъзолиги асосида чекланган ресурсларни бошқариш қобилияти
Х.Д.Флел	Социал капитални алоқа ўлчамининг функцияси сифатида белгилайди, бошқа тармоқ аъзолари ҳамда тармоқ аъзолари эга бўлган (фокал ёки марказий актор деб аталган) ресурслар ва акторлар ўртасидаги муносабат кучи билан капитал ҳажми аниқланади
М.Вулкок	– ижтимоий алоқаларга тегишли бўлган ўзаро ахборот, ишонч ва меъёрлар

Ижтимоий алоқалар нафақат ишчилар ва жамоаларнинг регламентланган меҳнат муносабатлари балки, бу - ижтимоий боғланишдир. Ижтимоий алоқалар остида инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг барча турларини тушуниш мумкин, улар ҳаққондорлик фаолиятида, шу жумладан меҳнат фаолиятига тегишли эмас жараёнда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Ижтимоий алоқалар - бу тўлиқ ташкиллаштирилган муносабатлар тузилиши бўлиб, у жамоалар ва ишчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлашга қодир. Бу эса уларнинг ишонч асосида қурилган жараёндаги бир бирларига ёрдам кўрсатишини, ташкилотнинг ижтимоий алоқалар салоҳиятини, ходимлар ўртасидаги барча норасмий алоқаларни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда бу олдинга қўйилган жамоавий ва шахсий мақсадларга эришиш учун турли хилдаги бойлик ва эзгуликларга рухсат этувчи ижтимоий муносабатлар тизимининг имкониятларидир [2, - С. 105].

Юқоридаги жадвалда келтириладиган социал капиталга ижтимоий алоқалар доирасида берилган таърифлардан кўриниб турибтики, ижтимоий алоқалар социал капиталнинг асосий таркибий тузилиши эканлигини исботламоқда. Инсон жамиятда истиқомат қилар экан, у албатта ижтимоий алоқага киришиб ўзаро боғланишни ҳосил қилади. "Социал капитал инсон капитали сингари одамларнинг тафаккурида, моддий капитал сингари воқеаликда ёки иқтисодий капитал сингари банклардаги ҳисоб рақамларда эмас, балки ижтимоий муносабатларда, яъни кишилараро ўзаро алоқадорликда намоён бўлади" [3, - С. 114].

Ушбу боғланишни яна бир муҳим жиҳати, социал капитал ресурси бўлмиш ишонч орқали амалга оширилади. Ҳозирги шаклланаётган жамиятда инсон ёрдам қўлини фақат юқори ишонч ва мустаҳкам ижтимоий алоқалар ўрнатилганлиги асосида чўзмоқда. Демак, маълум бир маънода инсон эриша олган ишонч ва ўрната олган ижтимоий алоқалар жамиятда тўпланган ижтимоий бойлик яъни социал капиталдир.

Социал капитал ижтимоий алоқаларни ўз ичига олувчи, фойда олиш ёки мақсадга эришиш учун, айрим ресурс сифатида ўзини намоён қилиши мумкин бўлган ноёб феномени ифода этади. Социал капитални жамғариш ва такрор ишлаб чиқариш янги ижтимоий алоқаларни ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Аммо, социал капитални тарқатувчиси сифатида алоҳида инсонлар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда бутун бир ҳамжамятлар ҳам бўлиши мумкин. Алоқалар гуруҳ ичида унинг аъзолари ўртасида ҳамда унинг ташқарисида бошқа ижтимоий бирлашмалар билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. М.Вулкок социал капиталнинг умумийлик даражасидаги иккита ўлчамини - гуруҳ ичидаги "кучли" алоқалар ва гуруҳ ташқарисидаги "заиф" тармоқларни белгилайди. У биринчисини "bonding" (инглизчадан "bond" - алоқа, ришта) сўзи билан, иккинчисини - "bridging" (инглизчадан "bridge" - кўприк) сўзи билан белгилаган. Ички алоқалар ўз навбатида оиладаги, яқинлари даврасидаги ёки этник гуруҳлардаги муносабатларни, ташқиси эса - ҳамкасблар ёки танишлар билан муносабатларни тавсифлайди. Р.Патнэм фикрича, ички алоқалар ёки алоқа-ришталари гуруҳ ичидаги бирдамликни қўллаб-қувватлайди ва эксклюзив идентикликни ва шунга ўхшаш гуруҳларни мустаҳкамлайди, шу вақтнинг ўзида ташқи алоқалар ёки алоқа-кўприклар эса, турли хилдаги ижтимоий қатламларда инсонларни бирлаштиради. Қандайдир маънода алоқа-ришталари, фақат маъмур доира аъзолари томонидан қўлланилишидаги чекланганликнинг мавжудлиги тор ижтимоий доираларда шаклланувчи ёпиқ социал капитални ифода этади, алоқа-кўприклар эса, аксинча

турли хил ижтимоий доиралардаги инсонлар ўртасидаги алоқалар асосида ҳосил бўлганлиги учун очиқ социал капитал деб номлаш мумкин [4, - С. 219-221].

Ижтимоий алоқалар ишонч кўрсаткичидан кейинги ўриндаги социал капиталнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Социал капитални кўпайтиришнинг энг ишончли йўли бу - инсоннинг ижтимоий алоқаларга киришишидир. Албатта, инсонни ижтимоий алоқаларга киришишида ишонч жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай ўрнатилган алоқа ва ришталар ҳам ўзаро ишончга асосланади. Ўз хусусиятига кўра уларни иккига яъни, ички ва ташқи ўлчамларга бўлиш зарур. Ички хусусият бу инсоннинг ички сеҳрли оламига боғлиқ бўлиб, ўз ичига яқин муносабатларга таянадиган алоқларни ва ташқи хусусият эса ҳеч кимдан яширмайдиган, ишчан муносабатларга таянадиган алоқаларни тавсифлайди. Шунинг учун ҳам Р.Патнэм ўзининг қарашларида ички алоқани ришта деб ва ташқи алоқани кўприк деб ифода этган. Ички алоқа яқин муносабатларда шаклланганлиги учун ҳам Р.Патнэм, тор ижтимоий доирадаги ёпиқ социал капитал тушунчасини ишлатган. Ташқи алоқа субъектлари турли хилдаги ижтимоий доираларни қамраб олганлиги туфайли очиқ социал капитал тушунчаси кўлланилган.

Адабиётлар рўйхати

1. Юровская Д.С. Общественные связи как фактор развития современного общества. // Знание. Понимание. Умение // Социология и жизнь. 2011. - №2. - С. - 123-124.
2. Буйидзе М.А. Социальные сети как основной элемент социального капитала организации. // Международный научно-исследовательский журнал. // International research journal. // Социологические науки / Sociology. Екатеринбург. 2015. - №7(38) Август. - С. - 105.
3. Жалилов А., Муҳаммадиев У., Жўраев Қ. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув кўлланма. МЧЖ "BAKTRIA PRESS" Нашриёт уйи. - Тошкент, 2015. - Б. 114.
4. Лушникова О.Л. Уровни социального капитала: понятийный анализ // Вестник КрасГАУ. 2013. - №6. - С.219-221. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/urovni-sotsialnogo-kapitala-ponyatiynyy-analiz> (дата обращения: 24.06.2019).